

Сафарда рўза тутиш ҳақида

15:57 / 24.04.2016 7284

Иншааллоҳ, Рамазон ойида оиламни зиёрат қиламан ҳамда, насиб этса, ватанимизда Ийди Рамазонни ўқиб келмоқчиман.

Ҳозир мусофирчиликдаман, рўза тутиш қанақа бўлади (Уланбаторда соат фарқи 4 соат)? Бу ерда асосан буддистлар. Бу ерда тақвим бўлмаса ҳам керак. 2-3 кунлик йўлда рўза тутса бўладими ёки тутмаслик ҳам мумкинми?

Жавоб учун олдиндан раҳмат.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Шцингиз яшаб турган жойнинг қуёш чиқиш ва ботиш вақтларини белгилаб олиб, тонг вақтини аниқлаб, рўзани тутаверасиз. Албатта, тақвим бўлиши шарт эмас. Бунинг устига сиз турган ерларда ҳам мусулмонлар бор. Мўғулистонда икки юз минг қозоқ диндошларимиз бор. Уларнинг ўз ташкилоти ва масжидлари бор. Мусулмонларнинг раҳбари Қодир Сайхон деган киши, ўшаларни сўраб топишингиз осон.

Икки ёки уч кунлик сафарга чиққан одам рўзани тутмай, қайтганда қазосини тутиши мумкин. Аммо, сафарда қийинчилик бўлмаса, тутган яхши. Валлоҳу аълам